




Русия билан Туркистон ўртасида савдо ва сиёсий муносабатлар



Туркистон савдогарлари рус бозорларини дастлаб кашф этган ва эгаллаганлар. Рус тарихчиларининг маълумотларига кўра, Туркистон савдогарлари 1364 йилда Нижний Новгородга борганлар. Руслар ҳам Козон ва Астраханни ишгол этиб, Русия ва Туркистон орасидаги савдо муносабатларини йўлга қўйиш имконига эга бўлдилар. Бу икки мамлакат ўртасидаги дипломатик муносабатлар эса фақат XVI асрда ўрнатилди. 1585 йилда Хива элчиси Махмудхўжа ва Бухоро элчиси Мухдммад Али Москвага келиб, Федор Ивановичга ўз хонларининг дўстлик мактубларини такдим этдилар. Бухоро хони томонидан жўнатилган мактубда ўз шахсига кўрсатилган хурматни етарли эмас, деб хисоблади. Хар холда рус подшохи Бухоро ўзбекларининг кудратини ва ўлкаларининг буюклигини менсимасди. Хива ва Бухоронинг бу илк дипломатик миссияси натижасидан шу нарса аён бўладики, руслар ва унинг атрофидагилар Туркистон хукмдорларини майда ва кучсиз деб хисоблар эди. 1598 йили Борис Годунов ўз элчиси Бойбўри Тайшевни (татар) Бухорога жўнатиб, улардан рус хукмдориغا бошқа хукуматлар каби чуқур хурмат кўрсатишни талаб килди Бундай хурматсизликка нисбатан Бухоро хони ҳеч бир монелик билдирмади.

1616 йили Хива элчиси Москвага келиб, тижорат муносабатлари юзасидан учрашувлар ўтказди. 1619 йилда Москвадан Бухорога элчи жўнатилди. Москва элчисига берилган кўрсатмада: хон элчини қабули вақтида тик туришлик, Русия подшохининг номи тилга олинганда ва ахvoli сўралганда уни Кайсар (император) сифатида хитоб этиши талаб килинди. Бухоро хони бу талабларга эътибор бермади(В. А. Ульяновский, Сношения России в Средней Азии и Индии в XVI - XVII веков, Москва 8-9-6.).

XVII аср давомида Туркистондан (Бухоро ва Хивадан) Русияга ўн олтита дипломатик хайъат борди. Русиядан ҳам Туркистонга тўққиз дипломатик хайъат жўнатилди.

Туркистон хайъатларининг асосий вазифаси тижорат масаласи эди. Русия хайъатларида тижорат вазифалари каторида сиёсий топшириклари ҳам бор эди. Масалан, Бухоро ва Хивага юборилган рус хайъатига берилган кўрсатманинг матни шундай эди: «Зиёрат этилган мамлакатнинг сиёсати, иктисодий ахволи, харбий тузуми ва кўшни мамлакатлар билан боғланган йўллар хақида маълумот тўпланиши керак» (Олим Мўминович Аминов, Экономическое развитие, 60-6. Аминов ушбу фикрни В. Григорьев, «Русская политика в отношении к Средней Азии» сб. государственных знаний, С-Петербург, ж. 1. 1874 йил, 239-бетдан олган. Афсуски, Григорьевнинг асарини кўлга кирита олмадим.).

I Петр Туркистонга ва Хиндистонга, айникса, катта эътибор берар эди. У Русиянинг Туркистондаги нуфузини савдо-сотик воситасида кенгайтира олишига ишонар эди. Хазар денгизининг бу максадни амалга оширишда сиёсий, иктисодий ва харбий ахамиятини яхши тушунган эди. Бу ердан Кавказ, Эрон, Туркистон ва Хиндистонга йўл очиларди (Аминов, 32-6. Туркистондаги рус дипломатик миссияларининг шакли хақида: Ф. И. Лобасевич, Поступательное движение России в Средней Азии, С-Петербург, 1900. Ушбу асар жуда яхши маълумот берган.). I Петр максадига эришмоқ учун Туркистонга мамлакатнинг ахволини ўз ерида аниқламоқ ниятида мунтазам равишда дипломатик ва тижорат карвонлари юбориб турди (I Петр элчиси Фролио Беневинини 1718 йили топширик билан Бухорога жўнатди. Вазифаси: йўл давомида барча шаҳарларни тадқиқ қилиш. Хазар денгизига қўйиладиган дарёларни ўрганиш. Бухоро хонлиги харбий қудратини, жойлашган ўрнини, қалъалар, бандаргоҳ ва қуrollаниш даражасини ўрганиб чиқиш... Айникса, Бухорога қўшни Осиё давлатлари ва Туркия билан қандай алоқа-лари борлигини аниқлаш, хоннинг ўз фуқароси олдигаги бўрси ва Ўрусиянинг ёрдамига мухтож ёки мухтож эмаслигини ўрганиб чиқишдан иборат эди. Аминов, 63-6. Бундан ташқари, шарқшунос, дипломат айни пайтда жосуслик вазифасини ўтаган Беневинига Бухорода Ўрусия нуфузини тарқатишни ташвиқ қилиш вазифаси ҳам юқлатилганди. Бу борада у муваффақият қозона олмади-ю, бироқ Бухоро ерости бойликлари хақида батафсил ахборот хозирлади. Киёсланг: И. Костенко. Средняя Азия, 98-6.). Рус савдо ва дипломатик миссияси то Туркистонни босиб олиш учун қатъий бир қарорга қелгунча ўз ишларини давом эттирди.

Рус миссионерларининг харбий максадидан ташқари ўзига хос бошқа ҳунарлари ҳам бор эди (Vambery, Centralasien, 34-6.). Булар: «ишончли хабарларга қўра» каби уйдирмалар воситасида ҳукмдорлар билан қабилалар ўртасига нифок солиш, пора бериш, қўрқитиш, бўҳтонлар қабилардан иборат эди (А. И. Макшеев, 46 - 47-6.). Холбуки, Туркистон Русия ҳужумидан аввал оғир бир гафлатга чўккан эди. Русияда бўлган Туркистон вакилларига Русиянинг тузуми, ахволи хақида маълумот тўплаш учун Туркистон ҳукумати томонидан қандайдир бирон-бир топширик берилгани хақида манбаларда ҳеч қандай маълумот йўқ. Туркистон ҳукуматлари нафакат Русиянинг, балки бошқа қўшни давлатларнинг ният ва максادلари хақида маълумот тўплаш бўйича тушунчага ҳам эга эмас эдилар, факат «душман билан майдонда қахрамонларча урушмоқ» каби қадимий эскирган фикрлар билан яшар эдилар.

Туркистон ҳукумати ташқи сиёсатга жуда кам эътибор берар эди. Асосан, ички масалалар билан ўралашиб қолган эди. Шу боисдан ўз ирқдошлари ва диндошлари билан қўпроқ уруш қилар эдилар. XIX юзйилликнинг бошланишида Туркистонда тақдирга тан бериш ҳоким гоё эди. Бу ҳолат ҳар қандай ходисани тақдирга йўйишга олиб қелар эди. Бухоро ёки Хивага Москвадан ҳар қандай хайъат қелганида, «қофир»ларнинг

самимиятига шубҳа килардилар, аммо ҳеч кимнинг аклига Русия хақида маълумот тўплаш фикри келмасди. Чингизхон ва Темур даврида давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бўлган жосуслик гайриахлокий ходиса сифатида талкин килинарди ва шу сабабли Русиянинг шум ниятларини ўз вақтида ўрганадиган кимса топилмади. Натижада, Русия Туркистонни истило қилиш учун душманлигини билдирмасдан, мақсадини усталик билан яшириб, фурсат кутди ва ҳар гал «савдо муносабатлари ўрнатиш» баҳонасида Туркистонга кириб келди.

Др.Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан